

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АГРАР
ИСЛОҲОТЛАР
ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

САМАРҚАНД – 2015

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

T71

М.М. Мухаммедов, С.А. Исхакова, Б.Б. Мардонов, Ю.П. Урунбаева, З.М. Мухаммедова, Й.М. Халиков

Аграр ислохотлар ва аҳоли бандлиги. Монография / Тошкент “Иқтисодиёт” нашриёти, 2015, - 240 б.

Такризчилар:

Монография муаллифлар жамоаси томонидан и.ф.д., проф. М.М. Мухаммедов умумий таҳрири остида тайёрланган. Сўз боши, кириш, I, II, III, V боблар, § 9.1, 9.2, 9.3, хотима – проф. М.М. Мухаммедов; VII-боб – С.А. Исхакова; IV, VI-боблар – Б.Б. Мардонов, VIII-боб – Ю.П. Урунбаева; § 9.4 – Й.М. Халиков; § 9.5 – З.М. Мухаммедова.

Монография қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, иқтисодий бўлимлари ходимлари, магистрлар, докторантлар ва бошқа илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

Мундарижа.....	3
Сўз боши.....	5
Кириш.....	5
I. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси ва аҳоли бандлиги муаммолари.....	11
1.1. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш сиёсати ва мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш муаммолари.....	11
1.2. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг зарурияти ва уларнинг аҳоли бандлигига таъсирининг объектив асослари.....	26
II. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабни шакллантиришнинг ва ҳажмини кенгайтиришнинг асосий омиллари.....	34
III. Аграр соҳани интенсивлаштириш – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига узлуксиз ўсиб бораётган талабни қондиришнинг асосий йўли.....	53
IV. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хўжалик юритиш янги шакллари ва шаклланиши ва ривожланиши	62
V. Фермер ва деҳқон хўжаликлари натижавий кўрсаткичлари ва уларни такомиллаштириш.....	72
VI. Фермер ва деҳқон хўжаликлари натижавий кўрсаткичлари таҳлили.....	91
6.1. Ялпи даромад, харажатлар ва фойданинг таҳлили.....	91
6.2. Хўжалик фаолияти натижавий кўрсаткичларини таҳлил қилишда корреляцион-регрессион усулларни қўллаш методикаси....	99
VII. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва аҳоли бандлиги.....	104
7.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари даромадларининг шаклланиш тамойиллари ва омиллари.....	104
7.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни рағбатлантириш тизимлари ва шакллари.....	113
7.3. Фермер хўжаликлари натижавий кўрсаткичларини рағбатлантириш.....	120
7.4. Фермер хўжаликларида моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.....	129

7.5. Қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш йўналишлари.....	136
VIII. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унинг аҳоли бандлигига таъсири.....	141
IX. Қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг концептуал йўналишлари	155
9.1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболлари ва унинг аҳоли бандлигига таъсирини кучайтириш йўллари.....	155
9.2. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш истиқболлари.....	170
9.3. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш.....	196
9.4. Қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш истиқболлари ва аҳоли бандлиги.....	214
9.5.Хўжалик субъектлари молиявий аҳволини мустаҳкамлаш – иш ўринларини кўпайтиришнинг муҳим омили.....	225
Хотима ўрнида.....	235
Адабиётлар рўйхати.....	

*Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар
турмуш даражасига қадар кўтариш бутун
аграр сиёсатнинг муҳим вазифасидир.
И.А.Каримов*

Мамлакат Президенти томонидан узоқни ўйлаб қўйилган ва жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишининг муҳим йўналишларидан бири бўлган бу дастурий вазифани бажаришда қишлоқ аҳолиси учун етарли миқдорда унумли иш ўринларини яратиб бериш ва шу асосда унга ўз турмуш даражасини меҳнатга лаёқатли ва, айни бир пайтда, ишлаш истаги бор кишиларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш шаҳар аҳолиси турмуш даражасига қадар кўтариш учун реал имконият яратиб бериш чинакамига ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ўринда француз донишманди Дистервергнинг бир фикрини эслатиб ўтиш фойдалидир: “Биз отларни сув ёқасига бошлаб боришимиз керак, лекин сувни уларни ўзлари ичишлари керак”. Қишлоқ аҳолиси иш ўринлари яратиб бериш, уларга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун, ўз меҳнати билан тўқ ва фаровон ҳаёт кечирishi имконият қилиб бериш керак, қолган муаммоларни уларнинг ўзлари ҳал қилади. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар даражасига кўтаришининг муҳим омилига айланган. Кўйлаб ва муносиб иш ўринларини яратиш муаммосини бозор иқтисодиёти шароитида фақат давлатнинг тўғри олиб борган макроиқтисодий сиёсати асосида ҳал этиши мумкин. бу муҳим соҳада самарали макроиқтисодий сиёсатни шакллантириш учун кенг қамровли мантиқий ва илимий-назарий тадқиқотларни амалга ошириш амалиётни чуқур таҳлил қилиш, унинг камчилик ва заиф томонларини очиб бериш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш вазифаларини мамлакатда мавжуд имкониятлар билан ўзаро узвий боғлаш, бу борада хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини пухта ўрганиш ва унга таянган ҳолда Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси бандлигини оширишининг реал натижа берадиган усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислохотларнинг бош мақсади – мамлакат аҳолисига фаровон, бахтли ҳаёт кечириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, мамлакатнинг аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари бўйича жаҳонда пешқадамлик қилаётган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Мамлакатда анча йиллар давомида амалга оширилаётган ҳамда иқтисодий ислохотлар занжирининг муҳим бўғинларидан бири бўлган аграр ислохотлар бундан истисно эмас. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, аграр ислохотларни амалга оширишда муаммонинг айрим нозик ва ўта муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш керак бўлади. *Биринчидан*, аграр ислохотларни амалга оширмай туриб, бутун мамлакат аҳолиси турмуш даражасини кескин кўтариш, уни ривожланган мамлакатлар даражасига тобора яқинлаштириб бориш ва пировард натижада улар даражасига етказиш муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Чунки аҳоли турмуш даражасини кескин кўтариш, биринчи навбатда, унинг оқсилга бой ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини истеъмолнинг оқилона меъёрлари даражасида қондиришни тақозо этади. *Иккинчидан*, аграр ислохотлар қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ва бугунги кунда сон жиҳатидан 15 миллиондан зиёдроқ кишини ташкил этувчи аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришни таъминлаб бериши лозим. Аграр соҳа қишлоқ иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш муаммосини ҳал этишда асосий юк айнан шу соҳа зиммасига тушади. *Учинчидан*, аграр ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг шунчаки ўсишига эмас, балки унинг шаҳар аҳолиси турмуш даражасининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ суръатлар билан юксалиб боришини таъминлаш лозим. Шундагина мамлакат Президенти томонидан қўйилган ва юқорида қайд этилган аграр сиёсатнинг муҳим

вазифасини, яъни қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар аҳолиси турмуш даражасига қадар кўтариш ва улар ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш учун реал имконият пайдо бўлади, умуман аграр ислохотларнинг мақсади моҳияти тўла номаён бўлади.

Мамлакатда ўтиш даври мобайнида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, ва бу ислохотлар жараёнида маъмурий-бўйруқбозлик, режали иқтисодиётга хос бўлган ишлаб чиқариш муносабатларига барҳам берилиши, иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришда аста-секин, босқичма-босқич бозор тамойилларининг қарор топиб бориши меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Меҳнат муносабатларининг ислоҳ қилиниши, меҳнат иқтисодиётида бозор тамойилларининг қарор топиши ҳозирги замон илмий-назарий қарашларига мувофиқ ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлиги ҳисобланган меҳнат ресурсларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида роли тобора ортиб бораётган, қолаверса, аллақачонлар ҳар қандай миллий иқтисодиётини юксалтиришнинг энг асосий омилига айланган улардан фойдаланиш муаммоларига тамоман янги асосда, яъни бозор талаблари, қонун ва қоидалари, тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади. Аграр соҳада меҳнат муносабатларининг ислоҳ қилиниши айниқса илм аҳли ва амалиётчилар олдида қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид давлат сиёсатини кундалик ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини ҳамда услубият ва усулларни ишлаб чиқиш бўйича ўта мураккаб вазифаларни қўйди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналиши юзага чиқарган бу ўта муҳим вазифаларни бажармаслик ёки уларни бажаришни пайсалга солиш, кечиктириш мумкин бўлмаганидек, бу вазифаларни бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўйиш, таваккалига, яъни “бир гап бўлар” қабилида иш тутиш ҳам асло мумкин эмас. Аграр ислохотларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга бевосита кўрсатаётган кучли таъсири шароитида қишлоқ

жойларида меҳнат ресурсларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишга эришиш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашнинг назарий жиҳатдан асосланган, мантиқий жиҳатдан мукамал, амалий жиҳатдан юқори самара берадиган яхлит тизимини яратиш бугунги куннинг энг долзарб, энг ўткир муаммоларидан бири ҳисобланади.

Умумлаштирган ҳолда аграр ислохотларнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини ечишга кўрсатаётган кучли таъсирининг иккита асосий йўналишларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. *Биринчидан*, аграр ислохотларнинг амалга оширилиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бозор муносабатларининг қарор топиши хўжалик субъектларидан бозор қоидаларига қатъий риоя қилишни, барча ресурслардан, жумладан меҳнат ресурсларидан, ўта тежамкорлик билан ва унумли фойдалинишни, яъни сарфланган ҳар бир ресурс бирлигига имкон қадар юқори пировард натижа олишга эришишни тақозо этади. Бундай интилишларнинг оқибатида, табиийки, меҳнат унумдорлиги ўсади ва унинг таъсири натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ошади, маҳсулот бирлигига сарф-харажатлар камаяди, маҳсулотнинг таннари пасаяди, унинг бозорда юқори рақобатбардошлиги таъминланади. Лўнда қилиб айтганда, тармоқ ичидаги ва тармоқларда рақобат механизмлари ўзининг мўжизакор кучини намоён этиб, эҳтиёжлар билан имкониятлар (ресурслар) ўртасидаги номутаносиблик кун сайин чуқурлашиб бораётган бугунги кунда энг долзарб муаммони – экстенсив иқтисодий ўсиш йўлидан интенсив иқтисодий ўсиш йўлига ўтишни, яъни иқтисодий самарадорликни ошириш муаммосини ҳал этади. Бетўхтов ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан уни қондириш учун жамиятда мавжуд имкониятлар ўртасидаги жарлик беўхшов шакл олаётган ҳозирги даврда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш аср муаммосига айланди ва бу муаммони ҳал этишда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим муҳим рол ўйнайди. Иккинчидан эса,

иктисодиётда бозор муносабатлари ҳукмронлиги шароитида, айнан ана шу тармоқ ичидаги ва тармоқларо рақобат кураши, фойда нормасини оширишга қаратилган астойдил интилиш таъсирида ишчи кучига муносабат ўзгаради, уни тежаш муваффақийли хўжалик юритишнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Ишчигучи омилининг тежалиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида қишлоқ хўжалигида ортиқча банд бўлган ишчи кучи чиқиб чиқарилади, меҳнат бозорида вазият ўзгаради, ишсизлик муаммоси юзага келади ва бу муаммо бозор муносабатлари қарор топиб борган сайин, тобора кескинлашиб боради.

Шу тариқа аграр ислохотлар натижасида меҳнат соҳасида иккита бири-бирига зид дуал муаммо пайдо бўлади: бир томондан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ўрнатилиши ишчи кучидан самарали фойдаланишни, меҳнат унумдорлигини кескин ўстиришни қатъий заруратга айлантиради, бу муаммонинг ҳал этилиши эса бошқа томондан янги, иккинчи, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан кўпроқ ижтимоий соҳага мансуб бўлган муаммони, яъни ишсизлик муаммосини келтириб чиқаради ва тобора кескинлаштириб боради.

Аграр меҳнат бозоридаги вазиятга, ушбу бозорнинг ишчи кучи таклифи билан унга бўлган талаб ўртасида мувозанат ўрнатишга, бундай мувозанатнинг ўрнатилиши эса ишчи кучи баҳосини оқилонлаштиришнинг, демак қишлоқ аҳолиси иш ҳақи даромадлари ва турмуш даражасига мамлакатда кечаётган мураккаб демографик жараёнлар ҳам ўзининг кучли таъсирини кўрсатмоқда.

Аграр меҳнат бозорида вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, бугунги кунда қишлоқларда мужассамланган улкан меҳнат ресурсларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уларни пассив, текинхўр истеъмолчилардан фаол ишлаб чиқарувчиларга қанчалик оғир бўлмасин, барибир буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси тўла бандлигини таъминлаш, барча меҳнатга лаёқатли ҳамда меҳнат қилиш, ишлаб даромад топишга иштиёқи бор кишилар учун етарли миқдорда унумли иш ўринлари яратиб бериш

масъулятидан сиёсатшуносларни ҳам, давлат органлари, илм аҳли, амалиётчиларни ҳам ўзларини бу муҳим ишдан четлаштиришлари учун ҳеч қандай асос бўла олмайди. Баръакс, муаммонинг ўта долзарблиги унинг тўғри ечимларини излаб топишни, узил-кесил бартараф этишни тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур монография муаллифлари мамлакатда амалга оширилаётган аграр ислохотлар ва уларнинг кучли таъсири остида меҳнат бозорида кечаётган мураккаб жараёнлар, ушбу бозорда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасида мувозанатга эришиш борасида ўзларининг айрим фикр-мулоҳазаларини, қарашларини Сиз азиз китобхонлар муҳокомасига чиқаришни, жоиз бўлса, бу масалаларда Сизларни мунозарага чиқаришни лозим деб топдилар. Муаллифлар Сиз билдирган барча қимматли таклиф ҳамда фикр мулоҳазаларингизни чуқур миннатдорчилик билан қабул қиладилар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/7949> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/7949> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/7949>